Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 12-may, seshanba, № 59 (3564)

***Бизнинг гўзал юртимиз, ноёб табиатимиз, бетакрор Ватанимиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқимиз бор.***

**Ислом КАРИМОВ**

ТАШАББУС — 2015

# ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

Давр ҳар бир тадбиркордан тинимсиз изланишни, маҳсулотининг сифати, шакли-шамойили ва фойдали жиҳатларини ривожлантириб боришни талаб этмоқда. Чунки доимий рақобат муҳитида тобланибгина дунё бозоридан муқим жой олиш мумкин.



ЎзА суратлари.



Фаолиятини ана шу йўсинда олиб бораётган 35 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган “Ташаббус — 2015” кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичида муваффақиятли қатнашди.

Наманган шаҳридаги Ёшлар маркази шу куни янада гавжумлашди. Такрорланмас экспозициялар, янгидан-янги ғоялар бугунги кунда юртимизда соҳа вакиллари учун қаратилаётган эътиборнинг бесамар кетмаётганлигини кўрсатди. Таъкидлаш ўринлики, вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 67,8 фоизни, аҳоли бандлиги соҳасидаги улуши эса 82,3 фоизни ташкил этмоқда.

— Хўжалигимизнинг жами ер майдони 217 гектарни ташкил этади. Шундан 75 гектарига чигит қадасак, 134,4 гектарига ғалла экамиз, — дейди Чуст туманидаги “Бегмурод Ўсканов” фермер хўжалиги раҳбари Бегмуроджон Ўсканов. — Ҳозирги кунда хўжалигимизда 22 нафар доимий, 10 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда. Зарур техникага эгамиз. Муҳими, бугунги тадбир касбдошларимиздан янги ғоялар олишимиз, улар билан фикр алмашишимиз имконини бермоқда.

Кўрик-танлов иштирокчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланиб, унга кўра Наманган шаҳридаги “Наманган момиқ сочиқлари” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ғиёсиддин Бобохонов “Энг яхши тадбиркор”, Поп туманидаги “Раис Санг” фермер хўжалиги раҳбари Илёс Ботиров “Энг яхши фермер” ва Юнусхон Азимов “Энг яхши ҳунарманд” деб топилиб, якуний босқичга йўлланмани қўлга киритишди. Шунингдек, қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳокими Б.Юсупов ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева сўзга чиқди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**“Ishonch” мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЭНГ БАХТЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда**

Давлатимиз раҳбари тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритди. Жумладан, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” мавзусида ўтказилган тадқиқот натижаларига эътиборни қаратди.

Ушбу тадқиқотга кўра, Ўзбекистон “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” рейтингида 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Мазкур ҳисобот (World Happiness Report — Жаҳон бахт ҳисоботи) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли муассасаларнинг статистик маълумотлари ва ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида тузилган. 2012-2014 йилларни қамраб олган бу галги рейтингда ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим соҳалар бўйича қирқдан ортиқ параметрлар қиёсий таҳлил қилинган. Уни тайёрлашда иқтисодиёт, сиёсат, психология, статистика, соғлиқни сақлаш, жамиятшунослик соҳаларида иш юритувчи мутахассислар, таҳлилчилар ҳамда мустақил экспертлар иштирок этган.

Лойиҳа раҳбари, Колумбия университетининг Ер институти директори Жеффри Сакснинг таъкидлашича, бахтли мамлакатлар рўйхати уларнинг иқтисодий салоҳияти, фаровонлик даражаси ва фуқароларнинг ўз ҳаётидан мамнунлигига қараб белгиланган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори, ижтимоий ҳимоя даражаси, оилалар мустаҳкамлиги, умр давомийлиги, шахс эркинлиги, жамиятдаги хайр-саховат ва ҳамжиҳатлик, аҳолининг хурсандчилигини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари инобатга олинган.

Ўзбекистон бахтли мамлакатлар рейтингида юқори ўринларни эгаллагани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифати мазкур мезонларга тўла мос келади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рейтингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда қайд этилган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарих олдида кўз очиб юмгунча бўлган вақтда — 23 йилда эришди.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ҳатто “нол”дан ҳам эмас, “минус”дан бошлади. Собиқ тузум давридан мамлакатимизга пароканда бўлган саноат, ишдан чиққан ер ва қийин демографик вазият мерос бўлиб қолган эди. Юртимиз собиқ иттифоқда энг қолоқ ўлкалардан бири эди. Киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринларда турарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, саноат ва инфратузилмани ривожлантиришга киришилди. Бир пайтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар саломатлигини тиклаш, миллий генофондни яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағлар йўналтирилди.

Ана шундай кенг кўламда олиб борилган ислоҳотлар натижалари бугун барча соҳаларда намоён бўлмоқда.

Юртимизда юксак технологияларга асосланган замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Авваллари оддий гугурт ёки кундалик ош тузини ҳам четдан келтирган Ўзбекистон бугун автомобилсозлик, нефт ва газни қайта ишлаш, телекоммуникация ускуналари, маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашмоқда. “Made in Uzbekistan” белгиси туширилган маҳсулотлар халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорини ҳам забт этмоқда.

Жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

*(Давоми 3-саҳифада).*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

***Тошкент шаҳрида 22-23 апрел кунлари бўлиб ўтган “Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси” мавзуига бағишланган халқаро конференция хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари ўртасида катта қизиқиш уйғотгани баробарида, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди.***

Маълумки, ушбу халқаро тадбир юқори даражадаги, нуфузли эксперт ва мутахассисларни ўз атрофига жамлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти, Касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари, Германия, Дания, Грузия, Хитой, Қозоғистон, Литва, Молдова, Россия, Франциядан келган халқаро экспертлар иштирок этган ушбу анжуман барча давлатлар ва жамиятлар учун долзарб бўлган мавзуни муҳокама қилишга имкон берди. Қолаверса, мазкур конференция фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси билан дунё жамоатчилигини яқиндан ва самарали таништиришга шароит яратди.

Мазкур халқаро анжуман тараққиётнинг “ўзбек модели”га, унинг энг асосий тамойилларидан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат юритишга нисбатан халқаро миқёсдаги қизиқишни кучайтирди ва у ўзининг катта акс садосини берди.

Мисол учун, ушбу халқаро конференция ва унинг якунлари тўғрисидаги ахборот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ташкилотга аъзо 193 мамлакат ўртасида тарқатилди. Миллатлар ҳамжамияти мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари муҳрлаб қўйилгани, улар меҳнат соҳасидаги халқаро меъёрларга тўла мос келиши, ёшлар ва аёллар бандлиги таъминланишидаги алоҳида имтиёз ҳамда кафолатлар, ишчилар учун муносиб меҳнат шароитларининг яратилгани, аёлларга бола парвариши учун қўшимча таътиллар берилиши, оналик билан боғлиқ турли ҳақ тўловлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси юзасидан кўрилаётган бошқа чора-тадбирларга доир батафсил маълумотлар билан танишди.

Шу билан бирга, мазкур конференция якунлари тўғрисидаги материаллар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 57 та иштирокчи давлати, ЕХҲТ институтлари ва дала миссиялари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси ва МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳам тарқатилди.

Тошкент халқаро форуми мавзуига нисбатан катта қизиқиш ва эътиборни чет элларнинг оммавий ахборот воситаларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Латвиянинг “Baltic News Service” (BNS) янгиликлар порталида чоп этилган ушбу конференция ҳақидаги мақолада Ўзбекистон касаба уюшмалари фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги вазифаларини адо этиш билан боғлиқ батафсил маълумотлар анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилгани хусусида сўз боради.

*(Давоми 2-саҳифада).*

ТАДБИРКОРЛИК

***Қулай ишбилармонлик муҳити Сурхон воҳасида ҳам тадбиркорлар сонининг ошишига хизмат қилмоқда.***

***Тадбиркор Ў.Сатторов хориждан кунига 10 тоннагача музқаймоқ ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий ускуна харид қилиб, Термиз шаҳрида музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозирда “Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари” МЧЖ маҳсулотларига талаб катта.***

# ТЕРМИЗ МУЗҚАЙМОҚЛАРИ

— 30 турдан ортиқ маҳсулотларни замонавий усулда қадоқлаяпмиз. Музқаймоқларимиз сифати, таъми, нархининг арзонлиги билан харидорларимизга манзур бўлмоқда. Барча туман марказларида корхонамизнинг улгуржи савдо шохобчалари ташкил этилган. Айни пайтда корхонада 100 нафардан ортиқ ўғил-қиз ишламоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар. Бу ерда ишчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди МЧЖ раиси У.Сатторов.

Тадбиркор изланишдан тўхтагани йўқ. Келгусида иш ўрнини янада кўпайтириш мақсадида 15 турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тадоригини кўрмоқда.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**“Ishonch” мухбири**

ШУКРОНА

# САОДАТЛИ КУНЛАР ФАЙЗИ

***Президентимиз Ислом Каримов 9 май — Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда халқимизга тинчлик, омонлик кераклигини яна бир бор алоҳида таъкидлади.***

***Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланаётгани ўтганларни хотирлаш, кексз авлод вакилларига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кексаларни эъзозлаш йилида халқимизга хос бу юксак фазилатлар янада кенг намоён бўлаётир.***

Эзгуликнинг аниқ бир ўлчови, мезони йўқ. Аммо, менинг назаримда, ёши улуғларга ҳурмат, меҳр-мурувват кўрсатиш, уларни эъзозлаб, дуосини олишдан кўра каттароқ савоб топиш қийин. Дуо билан эл кўкарар, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Зеро, юртимиздаги бугунги тинчлик-хотиржамлик, қут-бараканинг боиси ҳам кексаларга кўрсатилаётган эҳтиром, уларнинг дуо ва истаклари рўёбидир.

Биз, аҳдижонлик бир гуруҳ меҳнат фахрийлари Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан “Товоқсой” сиҳатгоҳида бепул дам олиб, даволаниб қайтдик. Менга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, 45 йил давомида турли соҳаларда меҳнат қилиб, узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган, умрининг 76 баҳорини қаршилаган Жакбарали Раҳмонов ҳамроҳ бўлди. Сиҳатгоҳда бизни хушмуомалалик билан кутиб олишди, барча қулайликларга эга хонага жойлашдик.

Очиғини айтиш керак, дам олиш масканидаги шарт-шароитлар чиндан-да, таҳсинга лойиқ. Ҳар бир хонада телевизор, совутгич. Чаққон, ширинсухан ходимлар хизматидан мамнунмиз. Емакхонага тушишга қийналадиган қариялар, ногиронларга таом ётоқхонага етказиб берилади. Фитобарда табиий гиёҳлардан тайёрланган дамламаларнинг шифобахшлигини айтмайсизми?!

Юртимизнинг турли вилоятларидан бепул йўлланма билан ташриф буюрган дам олувчилар, кексалар ғамхўрлик ва яратилган шароитлар учун жуда-жуда миннатдор эканликларини изҳор қилмоқда.

**Қодиржон АБДУРАИМОВ,**
**меҳнат фахрийси**

2015-yil 12-may, seshanba, № 59 (3564), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА
ҳисобот-сайловлар йили

***Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги 39 та бошланғич ташкилот, 369 та цех, 52 та касаба уюшма гуруҳида ўтказилган ҳисобот-сайловлар якунига етди.***

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Давр ишчан, фидойи ва соҳани кучайтиришга қодир фаолларни излаш ва қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда. Шу боисдан ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишларида айнан шундай талабларга жавоб бера оладиган кадрларга эътибор қаратилди. Кези келганда тармоқ Республика кенгаши томонидан сайловларни талаб даражасида ўтказиш бўйича барча бошланғич ташкилотларда ташкил этилган ўқув-семинарлар ана шу мақсадларга хизмат қилганини таъкидлаш лозим.

Табиийки, узоқ йиллик катта тажрибага эга бошланғич ташкилотлар раислари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва кўрсатмалар ҳисобот-сайловларда жуда асқотди. Бундан ташқари, семинарларда аъзоликка янги қабул қилинган бошланғич ташкилот раисларига бажариши лозим бўлган вазифалар моҳияти, аъзолик афзаллиги ва мажбуриятлари ҳақида ҳам атрофлича тушунчалар берилди.

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиш (конференция)ларида беш йил давомида амалга оширилган ишлар, жумладан, ижро интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, ходимларни соғломлаштириш, маданий-маърифий савиясини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар, юзага келган камчилик ва муаммолар чуқур таҳлил этилди ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Муҳими, сайловлар жараёни очиқ ҳамда ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилди. Қўмита аъзолари, цех касаба уюшма раислари, ташкилотчилари сайланиб, тармоқ Республика кенгашининг август ойида бўлиб ўтадиган Курултойига делегатлар тасдиқлаб олинди. Шунингдек, аъзолар сафини кўпайтириш, аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш, касаба уюшма фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қатор қарорлар қабул қилинди.

Етакчиларга билдирилган ишончни оқлаган ҳолда, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалаш, шунингдек, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маънавиятини юксалтириш каби касаба уюшмалари олдида турган қатор масалалар ижроси юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

# ОШКОРАЛИК РУҲИДА

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда бошланғич ташкилотлардан 73 нафар делегат қатнашди.***

Тармоқ шаҳар кенгашининг 2010-2015 йиллар давридаги фаолияти юзасидан ҳисобот маърузасида таъкидланишича, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиб бериш, меҳнат қонунчилигига риоя этилишида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларни ташкил этиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

— Кейинги йилларда жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишлари анча жонланди. Ходимлар ва улар оила аъзолари ўртасида спортнинг оммавийлиги ошишига эришилди. Футбол, волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, оилавий спорт мусобақалари доимий ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш мақсадида турли кўрик-танлов ва бадиий кечалар ўтказилди, — деди шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Таштанов.

Ҳисобот юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қ.Эшназаров, тармоқ Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси А.Мамарасулов, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Р.Абдужалилова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда кейинги муддат учун раис, тафтиш комиссияси таркиби, делегатлар сайлаб олинди. Келгусидаги устувор вазифалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**"Ishonch" мухбири**

ЎҚУВ





# НАЗАРИЯ АМАЛИЁТ БИЛАН...

***Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари, аввалambor, нималарга эътибор қаратиши лозим? Иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳар жиҳатдан пухтами? Тузилаётган жамоа шартномаларида ходимлар манфаати тўла қамраб олиняптими?***

ЎзКУФК ўқув марказида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув машғулотларида шу каби масалаларга ойдинлик киритилди. Ўқувга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таълим тизимида фаолият олиб бораётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари жалб этилди.

Бир ҳафта давом этган машғулотлар асноси тингловчилар "Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари", "Жамоа шартномасини тузиш, бажарилишини таъминлаш, таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш", "Ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг вазифаси"га доир маърузалар орқали ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шунингдек, очиқ мулоқот ва пойтахтимиздаги намунали бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишув қатнашчилар билимини янада бойитиш, тажриба алмашишга хизмат қилди. Шу жараёнда уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Юнусобод туманида жойлашган "Семурғ" махсус мактабгача тарбия муассасаси ҳамда 174-умумтаълим мактабига ташриф бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Навоий шаҳридаги 32-МТМ касабақўм етакчиси Салим Мамадиёров. — Яратилган шароит, таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бор бўлган болаларга кўрсатилаётган эътибор, айниқса, таҳсинга лойиқ. Муассаса мудираси Дилрабо Султонова ва касаба уюшма етакчиси Зайтуна Толипованинг ҳамжиҳат фаолиятига, очиғи, ҳавас қилдик ва кўрганларимдан хулоса чиқариб, муассасамизда тузилган жамоа шартномасини яна ҳам такомиллаштириш зарур экан, деган хулосага келдим.

— Машғулотлар савол-жавоб тарзида ўтгани учунми, қизиқишимизда бир зум бўлсин, сусайиш юз бермади, — дейди Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактабининг касаба уюшма қўмитаси раиси Ойгул Азизова. — Аҳамиятлиси, иш берувчининг ваколатлари, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига оид имтиёзлари ҳамда бошқа ҳуқуқлари содда ва равон тилда тушунтирилди. Бундан ташқари, турли вилоятларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизнинг иш юритиш тажрибаси билан ўртоқлашдик. "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига уюштирилган саёҳатдан ҳам бир олам таассурот олдик. Музей экспонатларини томоша қилиш баробарида касаба уюшма қўмитаси фаолиятини ҳам ўрганиб, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ва дам олдириш борасида ибратли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Ўйлайманки, мазкур ўқувдан сўнг орттирган малакамиз асосида янада самарали фаолият юритамиз.

Машғулотлар давомида тингловчиларнинг билими тест саволлари орқали синовдан ўтказилди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**"Ishonch" мухбири.**
*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар*

КАСАБА-САЙР

# САЁҲАТ ЗАВҚИ

***"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан тизимда меҳнат қилаётган 450 нафар ишчи-хизматчининг Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди.***

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Кексаларни эъзозлаш йили" дастури ҳамда "Касаба уюшма ташкилотларида туризм фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги Раёсат қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Касаба сайр" шўъба корхонаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларимизга шундай имконият яратиб берилди, — дейди "Тошкентгазтаъминот" касаба уюшма қўмитасининг етакчи мутахассиси Соиржон Мусаев. — Икки кун давомида саёҳатчилар Хива шаҳридаги Ичан-қалъа, Калта Минор, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тошҳовли каби бир қатор тарихий обидалар билан танишди.

— "Касаба сайр" шўъба корхонаси томонидан ташкил этилган бу саёҳат бир умр ёдимда қолади, — дейди "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси Ангрен шаҳаргаз филиалининг касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳилола Шамсиддинова. — Бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Н.РАФИҚОВ**

ТАДБИР

# ЭҲТИРОМ

Жасорат, бурч, матонат... Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни Фарғона вилоятининг ҳар бир гўшаси ўзгача қиёфага кирди. Хотира майдонида бошланган тадбирларда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, вилоят ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари иштирокида Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми Фарғона шаҳри кўркига айланган Маданият ва санъат саройига кўчди. Вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев Иккинчи жаҳон урушида матонат ва мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга эл-юрт эҳтироми беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлади. Фахрийлар ҳукуматимиз томонидан ажратилган совғалар билан тақдирланди.

Шу куни Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан шаҳар маданият ва истироҳат боғида қад ростлаган "Оталар чойхонаси"нинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчиларга байрамона дастурхон тузатилиб, куй-қўшиқлар янгради.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

***Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча давлат ва нодавлат муассасалари қаторида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳам "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида муайян ишлар амалга оширилди.***

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

Жумладан, барча меҳнат жамоаларида "Тарихсиз келажак йўқ", "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабада Ўзбекистоннинг иштироки", "9 май — Хотира ва қадрлаш куни" мавзуларида Маънавият соатлари ўтказилди. Шунингдек, мазкур байрамга бағишлаб корхона, ташкилот ва муассасаларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Жасорат, бурч, матонат", "Эъзоз", "Авлодлар учрашуви", "Эҳтиром", "Фахрийлар фахримиз", "Кексаларини эъзозлаган юрт" мавзуларида маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

"Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида 3 минг нафарга яқин 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 300 минг сўмдан пул мукофотлари берилди. Республика бўйича 850 нафар кекса, уруш ва меҳнат фахрийларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга, 230 нафарининг ҳудудлардаги зиёратгоҳларга, пойтахтимиздаги Хотира мемориал ёдгорлиги ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига саёҳатлари уюштирилди. Шунингдек, турли ҳудудлардаги "Саховат" ва "Мурувват" уйларида байрам муносабати билан маданий тадбирлар ташкил этилиб, у ерда истиқомат қилаётган қариялар, ногирон ҳамда ёлғиз инсонлар моддий қўллаб-қувватланди. Кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ жилдлари ва электр-маиший жиҳозлари берилди. 1400 нафарга яқин уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар)га совғалар улашилиб, улар театр, концерт ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга жалб этилди. Акция доирасида 190 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси, меҳнат фахрийлари, пенсионерлар касаба уюшмалари томонидан тизимдаги санаторийларда бепул ва имтиёзли соғломлаштирилди.

Меҳнат жамоаларида, туманларда фахрийлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ҳамда ёшлар ўртасида хотира турнирлари ўтказилди. Ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ташкил этилган "Касаба-тур" веломарафонининг ҳудудий босқичларида 300 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари иштирок этди.

"Касаба уюшмалари — ҳарбийларга" акцияси доирасида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган 226 нафар ҳарбий хизматчининг оилаларига 200 минг сўмдан манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

Байрам муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, хизмат даврида ҳалок бўлган ҳарбийлар оилаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш ишларига касаба уюшмалари ҳисобидан 1 млрд. 286 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

***

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Музей директори, филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасанов фахрийларни умумхалқ байрами билан муборакбод этди.***

— Президентимиз раҳнамолигида қарияларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — деди С.Ҳасанов. — Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайганини кўриб турибмиз. Чунончи, эъзоз ва эҳтиромдан нуроний олимларимиз ҳам баҳраманд бўлишаётир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, филология фанлари доктори, академик Азизхон Қаюмов ўз хотиралари билан ўртоқлашар экан, суронли йиллар машаққатларини ёдга олиб, тинчлик ва озодликнинг нақадар катта бойлик эканлигига эътибор қаратди:

— Биз Иккинчи жаҳон уруши йиллари бола эдик. Ватанимиздан жангга отланиб, жонини фидо қилганлар қаторида менинг акам — Ҳафизхон ҳам бор эди. Афсуски, акам урушда дом-дараксиз кетди. Онам акамни умрининг охиригача умид билан кутди. Уруш йиллари халқимизнинг бошида бу каби йўқотишлар кўп бўлди. Бугунги тинч ва осойишта кунларимиз абадий бўлсин.

— Илмий-маърифий ва маданий масканимизда халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган атоқли олимлар фаолият кўрсатишган, — дейди музей касаба уюшмаси қўмитаси раиси Б.Тоиров. — Уларнинг номларини ҳамиша ҳурмат билан тилга оламиз. Шу билан бир қаторда, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган ҳамкасбларни байрам билан қутлаб, яна кўп йиллар шогирдлар ардоғида бўлишларини тилаймиз.

Меҳнат фронти фахрийси, академик Азизхон Қаюмовга ЎзФА Бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғаси ва Адабиёт музейи маъмурияти томонидан пул мукофоти топширилди.

Тўкин дастурхон атрофида устоз ва шогирдларнинг самимий суҳбати узоқ давом этди.

**Ўз мухбиримиз**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

BNS мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани туфайли ходимлар ва улар оила аъзоларининг манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилгани билан ўз ўқувчиларини таништиради. "Мамлакатда 2014 — 2016 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув амал қилмоқда", деб ёзади "Baltic News Service". Ушбу ҳужжат ходимларнинг турли тоифалари учун муносиб меҳнат шароитлари яратилишини таъминловчи мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилишини кўзда тутади. Ҳужжат орқали мамлакатимизда 90 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда эса 100 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда. Барча жамоа-шартномавий ҳужжатларда муносиб меҳнатнинг расмий бандликка кўмаклашиш, муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлиги, ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси, хотин-қизлар ва ёшлар учун имтиёзлар, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига риоя этиш каби таркибий қисмлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ҳиндистоннинг "Sarkaritel" ва "Diplomacy India" ахборот-таҳлил порталлари ўз ўқувчилари эътиборига Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида конструктив ижтимоий мулоқот йўлга қўйилгани ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилаётгани хусусида хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва баҳоларни ҳавола қилган. Мазкур оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида бой тажриба тўпланган, ходимларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш учун касаба уюшмаларига кенг ваколатлар берилгани ва бундай имкониятлар самараларига эътибор қаратишган.

Конференция якунлари ҳақида тўхталар экан, "Sarkaritel" қуйидагиларни ёзади:

"Халқаро ташкилотлар, хориж касаба уюшмалари вакиллари ва чет эллик мутахассислар фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини юқори баҳолашди. Хусусан, республикада бандлик имкониятларини кенгайтиришда ва даромад олишда, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш тизимларини такомиллаштиришда юқори натижаларга эришилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда меҳнат қонунчилиги ва фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари халқаро меъёрларга тўла мос, кўплаб масалаларда эса улардан устунликка эгадир. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва муносиб меҳнат ҳақига бўлган ҳуқуқи тўла таъминланган.

Корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида имзоланадиган жамоа шартномалари асосида бандликка кўмаклашиш, ташкил этилаётган янги иш жойларида қулай ҳамда хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш, кадрларни қайта тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда".

Халқаро меҳнат ташкилоти бош мутахассиси Сергеюс Гловацкас билдирган фикрларни келтирар экан, портал мазкур конференция Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилотининг ўтган йиллар давомидаги қизғин қўшма ишларига мантиқий якун ясаганини қайд этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида 2014 — 2016 йиллар учун Муносиб меҳнат дастури қабул қилинганлиги муҳим воқеа бўлди. "Ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган турли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан фаол ҳамкорлик давом этади. Бу, энг аввало, Муносиб меҳнат дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўлади", деб ёзади "Sarkaritel".

Ўз навбатида, "Diplomacy India" портали Халқаро меҳнат ташкилотининг ходимлар фаолияти бўйича Европа бўлими бюросининг катта мутахассиси Вольфганг Люттербахнинг фуқароларда меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси қизиқарли ва ўрганишга арзиши бўйича билдирган фикрларини келтиради.

"Мамлакатда 2014 — 2016 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувда фойдали жиҳатлар кўп. Ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар регламентлаштириб қўйилган, локал ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича эса самарали ва шаффоф жамоатчилик назорати механизмлари шакллантирилган. Бундай ижтимоий мулоқот тегишли масалаларни ижобий ва самарали ҳал қилиш имконини беради".

Конференциянинг хорижлик иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам Ўзбекистонда бу йўналишда кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳаққонийлиги ва аҳамиятлилигидан далолат беради.

Жумладан, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котибининг биринчи ўринбосари Яап Вийен мамлакатимизнинг бу соҳада қўлга киритган муваффақиятларига юқори баҳо берар экан, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан сермаҳсул ҳамкорлиги янада кенгайишига умид билдирди.

"Бундай сермаҳсул алоқалар натижасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига аъзо бўлишига умид қиламан, чунки бу икки тизимни умумий мақсад бирлаштириб туради — аҳолининг меҳнат қиладиган қисми ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш", дея таъкидлади эксперт.

Ўз навбатида, Франция Меҳнат умумконфедерацияси вакили Пьер Кутаз Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатидаги юқори даражадаги аъзоликка, уларнинг сони 6 миллиондан ошишига эътиборини қаратди. "Францияда касаба уюшмаларига аъзоликнинг даражаси бундай катта эмас, — деди у интервью чоғида. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясидек шундай катта жамоат ташкилотини аёл бошқараётгани ҳам эътиборга моликдир. Франция Меҳнат умумконфедерацияси бир асрдан зиёд давр давомида мамлакат меҳнат кишиларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган энг кўҳна ташкилотлардан бири бўлишига қарамасдан биз бунга эришолганимиз йўқ.

Шуниси жуда муҳимки, Ўзбекистон ёшларни қўллаб-қувватлашни ўз сиёсатининг асосий устуворликларидан бири, деб эълон қилган. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан бу нозик гуруҳига алоҳида эътибор қаратилиши, ходимларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларга муносиб меҳнат ҳақи тўланиши, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси таъминланиши, улар учун имтиёзлар берилиши зарур".

Шу тариқа Ўзбекистоннинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги тажрибасига нисбатан халқаро ҳамжамият томонидан бўлаётган қизиқишнинг сабаби республикамизнинг бу борада қўлга киритган юксак муваффақиятлари билан изоҳланишини Тошкент конференцияси якунлари яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, ушбу анжуманнинг якунлари жаҳондаги энг илғор тажрибани ўрганиш, шу жумладан, хорижлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш воситасида ўзаро меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш ишига кўмаклашади.

**"Жаҳон" АА.**
*("Халқ сўзи" газетасининг 2015 йил 8 май сонидан олинди.)*

2015-yil 12-may, seshanba, № 59 (3564), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# ЎЗБЕКИСТОН — ЭНГ БАХТЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)***

Умуман, истиқлол йилларини олганда Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробардан зиёд ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар кўпайди. Шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 1,5 марта кўпайиб, 31,5 миллиондан ошганини инобатга олсак, бу кўрсаткичнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли фаровонлигини ошириш учун замин яратмоқда. Бугунги кунда оилаларнинг 94 фоизи холодилниклар, 84 фоизи ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компютер, чангютгич ва кондиционерлардан фойдаланмоқда. Мобил телефонлар, ноутбуклар, тюнерлар, плазма экранли телевизорлар, музлатгич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа замонавий маҳсулотлар ҳаётимизнинг бир қисмига, оддий ашёларга айланиб қолди.

Аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан яна бири — автомобил. Бугун шаҳар-ку шаҳар, энг чекка қишлоқда ҳам машиналар қатнови бир зум тинмайди. Ҳар икки уйнинг бирида машина. Баъзи оилаларда иккитадан автомобил бор.

Мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, юртимиз табиатига мос равишда, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, айниқса, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда.

Халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳолига сифатли товарлар етказиб бериш ва замонавий хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, касалликларнинг олдини олиш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар самарасида аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда, одамларнинг умри узаймоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 75,8 ёшга етди. Бугунги кунда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар умргузаронлик қилмоқда.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бунга тинчлик-осойишталик туфайлигина эришиш мумкин. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Мамлакатимизда ана шундай муҳит барқарор. Одамлар қалбида хотиржамлик, уйқусида ҳаловат бор. Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда. Барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмоқда.

Тинчлик-осойишталик самарасида мамлакатимиз изчил тараққий этмоқда. Ҳар бир соҳада ўзгариш, ривожланиш сезилмоқда. Одамлар қобилиятига, меҳнатига яраша рўшнолик кўрмоқда. Ҳаракат қилган баракат топмоқда.


Бу ҳар бир оилага фаровонлик, хотиржамлик олиб кираётир. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, ўтган йили 98 фоиз аҳоли ўзи ва оиласининг моддий ҳолати яхшиланганини билдирган. Турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаётганини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарашини айтган.

“Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” рейтинги мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганининг яна бир халқаро эътирофи бўлди. Ўзбекистон ютуқларини бутун дунё таниётгани, тан олаётганини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ОЛАМ ВА ОДАМ



***Никола Лабс компанияси Iphone 6 учун мўлжалланган, энергияни ҳаводан олувчи илк ғилофни намойиш этди. Бу ҳақда Hi-tech.ru хабар бермоқда.***

### Телефон ҳаводан қувват олади!

Экспертларнинг фикрича, ғилоф смартфон уяли алоқа сигналини қабул қилишда ишлаб чиқарадиган энергиянинг 90 фоизини қайта ишлаб, уни қайта жўнатади ва шунинг ҳисобига гаджет 30 фоизга кўпроқ ишлайди.

Гаджет Wi-fi, LTE, Bluetooth каби радиочастота сигналларини ўзгарувчан токка айлантира олади ва шу сабаб исталган симсиз алоқа тармоғида ҳаводан қувват ололади. Ғилоф эгасида кўчада қувватланувчи ускуна ёки розетка қидириб юришга эҳтиёж қолмайди.

Қувватлантирувчи ғилофни ишлаб чиқишда Огайо университети ходимлари иштирок этмоқда. Қайд этиш жоиз, Огайо штатининг Электротехника лабораторияси оптика ва радиоэлектроника соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи жаҳондаги энг йирик марказлардан бири ҳисобланади.

Ҳаводан энергия тўпловчи ғилофнинг нархи уни ишлаб чиқиш учун Kickstarter лойиҳаси орқали пул тикадиган инвесторлар учун 99 доллардан ошмайди.



***Япониялик шифокорлар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, кунига 1-2 финжон қаҳва ёки кўк чой ичган одамларда ўлим хавфи, тетиклантирувчи ичимликни умуман истеъмол қилмайдиган ёки 3-4 финжон ва ундан ҳам кўп ичадиганларга нисбатан камроқ бўлиши аниқланди. Бу ҳақда The Medical хабар тарқатди.***

### Кўк чой ва қаҳванинг янги тадқиқи

Натижалар 90 мингдан ортиқ 40 дан 69 ёшгача бўлган эркак ва аёлларнинг кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида 19 йил давомида мунтазам ўтказилган сўровнома асосида олинди. Бу вақт давомида тадқиқотчилар иштирокчилар орасида ўлим даражасига баҳо берди. Тажрибада иштирок этганлар орасида ўлим сони 13 мингтани ташкил қилди.

Тадқиқотчилар олган натижаларга кўра, кунига 1-2 финжон қаҳва истеъмол қилиш ўлим хавфини 15 фоизга камайтиради. Қизиғи, кунига 3–4 финжон қаҳва ичганларда бу кўрсаткич биринчи гуруҳдагиларга нисбатан 24 фоизга ёмонлашган.

Кўк чой билан олиб борилган тажрибалар ҳам деярли шундай кўрсаткични қайд этди. Бу ичимликни кунига камида 5 финжон истеъмол қилган эркак ва аёллар бевақт ўлим хавфини 13 ва 17 фоизга камайтирган.



***БААда очиладиган янги меҳмонхона электр қуввати билан тўлалигича қуёш батареялари ёрдамида таъминланади. Бу ҳақда Bloomberg нашри хабар бермоқда.***

### Қуёш батареясида ишлайдиган меҳмонхона

Маълум қилинишича, 170 хонадан иборат ушбу меҳмонхона 2017 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади.

Қурувчилар меҳмонхонани экологик жиҳатдан мумкин қадар тоза асосда ишлайдиган муассасага айлантирмоқчи. Қуёш энергиясидан фойдаланилишидан ташқари, унда барча оқова сувлар ва қолдиқлар қайта ишланади.

Қурувчи компания ижрочи директори Фарис Саиднинг айтишича, меҳмонхона шаҳар электр тармоғига уланади. Шу тариқа, қуёш батареялари ёрдамида ишлаб чиқариладиган ортиқча энергияни бошқа истеъмолчиларга сотиб, электр қуввати ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатнинг 25-30 фоизини қоплаш мумкин бўлади.

InterContinental Hotels Group БАА ҳудудида 18 та меҳмонхонага эга. Яқин 5 йил ичида мамлакатда яна 10 та меҳмонхона қурилиши режалаштирилмоқда.

**Интернет материаллари асосида**
**А.АРСЛОНОВ тайёрлади.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.***

## ҚОНУН ДОИРАСИДА

Таъкидландики , “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти ҳар жиҳатдан замонга мослашишга, модернизациялаш жараёнини амалга оширишга ҳаракат қилаётир. Жумладан, Чилонзор туман электр таъминоти корхонасининг янги биноси қуриб битказилди. Учтепа, Сергели, Олмазор ва Мирзо Улуғбек туманлари электр таъминоти корхоналари бинолари капитал таъмирланди.

Айни пайтда пойтахтимизда 595 мингдан ортиқ жисмоний ва 18 мингдан зиёд юридик шахс электр таъминоти хизматидан фойдаланмоқда. Шу боис марказлаштирилган электр таъминоти тармоқларини модернизация қилиш, эскирган кабел ва симларни алмаштириш, капитал таъмирлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда эскирган ва ишдан чиққан симлар электр энергияси узатиш линияларининг ҳар қандай об-ҳаво шароитида барқарор ишлашини таъминлайдиган замонавий изоляцияланган симлар билан алмаштирилмоқда. Тез орада 30 километрдан ортиқ масофага шундай симлар тортилиши режалаштирилаётир.

Айни пайтда пойтахтимизда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш давом эттирилмоқда. Масалан, Бектемир тумани аҳолиси ушбу тизимга тўлиқ уланди. Бунинг самарасида электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Яқин орада Миробод, Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туманлари истеъмолчилари ҳам ушбу тизимга уланади.

Айни пайтда корхонада 2138 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Қулай иш шароитлари яратиш, кўнгилли дам олишларни намунали ташкил этиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёш кадрларнинг касбий маҳоратларини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир.

ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**“Ishonch” мухбири**



***Хатирчи тумани “Худдонариқ” МФЙда яшовчи Жўрақул Фармонов 76 ёшда. 1 ўғил, 3 қиз, 13 набира, 14 эвараси ардоғида умргузаронлик қилиб келаётган бобо боғидаги дарахтлар парваришидан завқ олади.***

**Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ олган сурат**

ФЕРМЕР ВА ЗАМОН

## ШИЖОАТИ БАЛАНД

***Хоразмда Давлатназар раисни кўпчилик танийди. “Камола — Шаҳлохон” фермер хўжалиги раҳбари Қудрат Ражабов ҳам отаси изидан бориб, обрў-эътибор топаётир.***

Қудрат 2004 йилда 10 гектар ерда чорвачилик йўналиши бўйича фермерлик фаолиятини бошлади. Ўша йил банкдан 25 миллион сўм миқдорида кредит олиб, хусусий ғишт заводига ҳам тамал тоши қўйди.

— Ишни 36 киши билан бошлаган эдик. Ҳозирги кунда заводимизда 90 нафар, фермер хўжалигида эса 25 киши астойдил меҳнат қилаётир, — дейди Қ.Ражабов. — 2012 йилда хўжалигимизни яна 50 гектарга кенгайтирдик. 2013 йилда пахта сотиш шартномавий режасини туманда биринчи бўлиб бажариб, “Дамас” автомашинаси билан тақдирландик. Ўтган йил 11 гектар ерда ғалла етиштириб, 60 центнердан ҳосил олдик.

Ишбилармон фермер, шунингдек, бир гектар ерда балиқчилик хўжалиги ташкил этди. 2000 метр квадрат майдонда лимон етиштирди. Украинадан олиб келинган 20 бош қорамол сони 40 бошга етди.

— Эришилаётган ютуқлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаётир. 10 дан зиёд техникамиз бор. Германияда ишлаб чиқарилган “Орион” трактори, “Клаас — Доминатор-130” комбайни, Хитойдан келтирилган “Янг-жонг” экскаватори шулар жумласидандир, — дейди у. — Биз Урганч аэропортидан тортиб, бетакрор ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб саф тортган ТАТУ Урганч филиали, “Алоқабанк”, Гастроном, Миллий банк ва қатор кўп қаватли уйлар, яқиндагина фаолият бошлаган мўъжизавий Гипермаркет биноси учун ишлатилган ғиштларимиз билан ғурур туямиз.

Халқимиз меҳнат қилган одамни сийлайди. Қудрат Ражабов 2014 йил бўлиб ўтган сайловда Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашига депутат қилиб сайланди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**“Ishonch” мухбири**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**“Respublika mulk markazi” АЖ “Toshkent mintaqaviy filiali” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг 2015 йил 1 майдаги №155-ОП сонли буйруғи ва 2015 йил 6 майдаги 02-29-97 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Спорт кўчаси, 70-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда.

| № | Автомототранспорт воситасининг русуми | давлат рақами | ишлаб чиқарилган йили | техник ҳолати | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | “УРАЛ 43202” | 10 827 ХАА | 1990 | Техник соз | 157 657 500 |
| 2. | “ЗИЛ 157” | 10 829 ХАА | 1972 | Техник соз | 110 359 800 |
| 3. | “ЗИЛ 157” | 10 830 ХАА | 1972 | Техник соз | 110 359 800 |
| 4. | “ЗИЛ 157” | 10 831 ХАА | 1972 | Техник соз | 110 359 800 |
| 5. | “ЗИЛ 157” | 10 837 ХАА | 1972 | Техник соз | 110 359 800 |
| 6. | “ЗИЛ 157” | 10 839 ХАА | 1972 | Техник соз | 110 359 800 |
| 7. | “ЗИЛ 157” | 10 840 ХАА | 1972 | Техник соз | 110 359 800 |
| 8. | “УАЗ 39621” | 10 536 УАА | 1988 | Техник соз | 64 620 000 |
| 9. | “УАЗ 39621” | 10 537 УАА | 1987 | Техник соз | 64 620 000 |
| 10. | “УАЗ 39621” | 10 538 УАА | 1987 | Техник соз | 64 620 000 |
| 11. | “УАЗ 39621” | 10 841 ХАА | 1990 | Техник соз | 64 620 000 |
| 12. | “УАЗ 39621” | 10 856 ХАА | 1988 | Техник соз | 64 620 000 |
| 13. | “УАЗ 39621” | 10 857 ХАА | 1990 | Техник соз | 64 620 000 |
| 14. | “УАЗ 39621” | 10 860 ХАА | 1987 | Техник соз | 64 620 000 |
| 15. | “УАЗ 396201” | 10 539 УАА | 1986 | Техник соз | 64 620 000 |
| 16. | “УАЗ 396201” | 10 842 ХАА | 1989 | Техник соз | 64 620 000 |
| 17. | “УАЗ 396201” | 10 854 ХАА | 1989 | Техник соз | 64 620 000 |
| 18. | “УАЗ 396201” | 10 859 ХАА | 1989 | Техник соз | 64 620 000 |

Аукцион савдоси 2015 йил 11 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 9 июн куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

“Савдо ташкилотчиси”га у кўрсатган хизматлари учун мулкнинг сотув нархидан жами 05 фоиз миқдорида хизмат ҳақи мулкни сотиб олган ғолиб харидор закалад пулидан ушлаб қолинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ипак йўли банки” ОАИКБ Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. www.rmm.uz.

**Хизматлар лицензияланган.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси ФВВ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси**

2015 йил манзилли қурилиш дастурига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан тақроран очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

“Бухоро шаҳрида жойлашган Фарағий кўчасидаги маъмурий бинони А ва РТТМ, Бухоро шаҳар ФВБ, авария-қутқарув гуруҳи ва муҳандислик тармоқлари билан бирга тураржой блокига мослаштириб реконструкция қилиш”

**Буюртмачининг бошланғич киймати** — 2 398 059 740 сўм (ҚҚС билан), 1 998 383 120 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** — 6 ой.

**Қурилиш ишлари** — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси ФВВ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси.

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли - 4. Телефон: (0-371) 235-64-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (офертлар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офертлар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офертлар очилиши куни ва соати.


Таклифлар (офертлар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

***Изоҳ: Таклифлар (офертлар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.***

**Хизматлар лицензияланган.**


Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Тошкент давлат иқтисодиёт университети касаба уюшма қўмитаси раиси, профессор **Қаҳрамон АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 12-may, seshanba, № 59 (3564), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz




# ҚИЗИЛҚУМ ЖАВОҲИРЛАРИ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Навоий конметаллургия комбинати тасарруфидаги маданият муассасалари ва “Фарҳод” маданият саройи ижодий жамоалари ижросида “Қизилқум жавоҳирлари” концерт дастури бўлиб ўтди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган ушбу санъат кечасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган 450 нафар ҳаваскор ўз чиқишлари билан томошабинларга завқ улашди.

— Ҳар йили анъанавий тарзда уюштирилаётган концерт дастурига Олмалиқ тоғ-кон, Бекобод металлургия комбинатлари ходимлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчи ва талабалари, “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, пойтахтимиз аҳли таклиф этилди, — дейди НКМК ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Исроил Раҳматов. — Вилоятимиздаги санъатга ҳавасмандлар иқтидорини намойиш этишга имкон яратиш билан бирга, уларнинг пойтахтимизга саёҳатини уюштирдик.




Ижро этилган жозибадор куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар кўнгиллардан жой эгаллади.

**Аширбек СУЯРОВ.**
*ЎзА фотомухбири*
*Темур МАМАДАМИНОВ олган суратлар.*

СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ

“КАСАБА-ТУР” ВЕЛОМАРАФОНИ

# «РЕСПУБЛИКАДА ҲАМ ШОҲСУПАНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ»

## дея ният қилишмоқда ғолиблар

***Водийнинг гўзал ва бетакрор масканларидан ҳисобланган Наманган аэропортига элтувчи трасса шу куни гавжумлашди. Туман босқичида ғолибликни қўлга киритиб, эндиликда янада юқорироқ марраларни забт этишни кўзлаётган шижоатли ишчи-ходимларнинг кайфияти тадбир томошабинларию ташкилотчиларини ҳам зўр ҳаяжонга солди.***

Юксак савиядаги тайёргарлик, ҳамкор ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги туфайли байрамга айланган анъанавий велотур кўплаб маҳорат эгаларини кашф этди. Жумладан, 20-35 ёшли иштирокчилар орасида Гулнора Сиддиқова (Наманган тумани), Матлюба Арифбоева (Наманган шаҳри), Дилдора Абдураимова (Поп тумани) ғолиблар учлигини ҳосил қилишди. Худди шу ёшдаги эркаклар орасидан Дониёр Абдуллаев (Наманган шаҳри), Шерзод Назиров (Поп тумани), Шерзод Обидов (Учқўрғон тумани) шоҳсупа поғоналарини банд этишди.

35 ва ундан катта ёшдаги аёллар орасида республика босқичига йўлланмани Зулфия Куватова (Наманган шаҳри), тўрақўрғонлик Ҳилола Ҳайдарова ҳамда Иноят Эргашева қўлга киритишди. Айни шу тоифасидаги эркаклар баҳси ҳам курашларга бой тарзда кечиб, якунда Абдулбосиджон Азизов (Косонсой тумани), Фазлиддин Шаҳобиддинов (Чуст тумани), Ҳамидулло Акбаров (Чортоқ тумани) марра чизиғини кетмакет босиб ўтишди.

Тадбир доирасида, шунингдек, қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Ғолиб ва номинантлар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

***Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида ҳаваскорлар ўртасида “Касаба-тур” веломарафонининг вилоят босқичи Жиззах шаҳридаги “Истиқлол” боғи спорт мажмуасида юқори савияда ташкил этилди.***

Веломарафонни ўтказиш юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ, ходимлар билан бирга, маҳаллалар аҳлини ҳам кенг жалб этишга эътибор қаратилди.

Тадбирнинг илк босқичида 760 та корхона, ташкилот ва муассасадан 9120 нафар ишчи-хизматчи ўз маҳоратини синовдан ўтказиб олди. Уларда 1590 нафар аёлнинг фаол иштироки таъминланди. Мусобақанинг иккинчи босқичида тармоқ вакилларидан 1690 нафари фаол қатнашиб, улардан 200 нафарини аёллар ташкил қилди.

Мусобақани вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев кириш сўзи билан очар экан, иштирокчиларга муваффақиятлар тилади.

20-35 ёшли эркаклар ўртасидаги баҳсларда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси вакили Нодирбек Ҳусанов, аёллар ўртасида Фориш туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вакили Шаҳноза Баҳромованинг қўли баланд келган бўлса, 35 ёшдан юқори эркаклар ва аёллар ўртасидаги мусобақаларда Жиззах Олимпия заҳиралари спорт коллежи вакили Ихтиёр Муҳиддинов, форишлик Шоира Баҳромова ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Кучли учликдан жой олган иштирокчиларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, мусобақада “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси томонидан таъсис этилган “Энг ёш пойгачи”, “Энг ёши улуғ пойгачи”, “Энг маҳоратли пойгачи”, “Энг фаол аёл пойгачи”, “Галабага бўлган иштиёқи учун” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**“Ishonch” мухбири**

МАДАНИЙ ТАДБИР

***Нукус шаҳри марказида жойлашган очиқ театрда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан “Барҳаёт сиймолар” деб номланган маданий тадбир ўтказилди.***

# УНУТИЛМАС ҚЎШИҚЛАР

Бетакрор овоз соҳиблари Ойимхон Шомуратова, Сулухон Мамбетова, Отажон Худойшукуров, Бозарбой Нодиров, Дауитбой Қайипов, Замира Хожаназарова, Даўлет Отажанов каби марҳум санъаткорлар куйлаган қўшиқлар шу куни уларнинг шогирдлари томонидан маромига етказиб ижро этилди.

— Санъатга ошно қалб эгаларидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг халқ ижодиёти ва бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Адилбек Сейтов. — Ўзбек ва қорақалпоқ маданияти равнақига муносиб улуш қўшган устоз санъаткорларимизни эсга олиб, улар йўлини давом эттираётган ижрочи ёшларимиз севиб куйлайдиган қўшиқлар дастурини томошабинларга ҳавола қилдик.

Бугунги тингловчи ўта синчков. Ёшларимизнинг жонли овозда ижро этган ҳар бир чиқиши очиқ театрга йиғилган қўшиқ шайдолари томонидан илиқ кутиб олинди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**“Ishonch” мухбири**

БИЛАСИЗМИ?

# РАВОЧ — МИНГ ДАРДГА ДАВО



Равоч астма ва қон туфлашда, меъда заифлиги, ич оғриқлар, ҳиқичоқда фойдалидир. Аёллар касаллигини даволашда у энг ишончли дори ҳисобланади. Бачадондаги иллатларни йўқотишда унга тенг келадигани йўқ.

Равоч ширасини кўриш қувватини оширади. Сафроли ич кетишда, айниқса, қизамиқ ва чечакда наф қилади.

Илдизи сиркага қўшиб суртилса, сепкил ва теридаги яралардан қолган доғларни кеткизади. Шу билан бирга, илдизи ҳазмнинг бузилишидан бўлган ич кетишда, дизентерия, ичак, буйрак, қовоқдаги оғриқлар ва қон кетишда шифобахш таъсир кўрсатади.

**Ш.РАУПОВА тайёрлади.**

## ДЎСТОНА БЕЛЛАШУВ

Жиззах вилоят эндокринология диспансерида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ўтказилди. Беллашувларда катта ва аҳил жамоа вакиллари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Натижаларга кўра Муҳаммад Меликов биринчи бўлди. Шунингдек, Моҳира Мансурова ва Юлдуз Мансурова совриндорлар сафидан ўрин олди.



**Суратда: мусобақадан лавҳа.**
*А.САИДОВ олган сурат*

# Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг “Йилнинг энг фаол журналисти — 2014” танловига марҳамат!

**Ҳурматли ҳамкасблар!**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни “Йилнинг энг фаол журналисти — 2014” танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2014 йилнинг 1 июнидан 2015 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 10 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

“Йилнинг энг фаол журналисти — 2014” танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар “Йилнинг энг фаол журналисти — 2014” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари**
**ижодий уюшмаси**
**3-қават, 30, 35-хоналар.**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.**
**www.journalist.uz**

СОҒИНЧ

# МЕНИНГ ПАРИ МОМОЛАРИМ

Мағрур тоғлар, шиддатли анҳору бепоён ўтлоқлар, кўзни қамаштирган қуёш, мовий осмон, олмазору ўриксорлар ва ниҳоят оппоқ кийимли, юзлари нурли, сўзлари дур менинг пари момоларим...

Ҳа, болалигимни эсласам юқоридаги манзара кўз олдимда бирма-бир жонланади. Қандай фаришта момоларим бор эди-я. Худо раҳматига олган ўша момоларимнинг болалик хотирамдан жой олган сийратлари ила сўзлашмоққа журъат этдим бугун. Негаки, улар болалик дафтаримнинг энг ёркин ва зарҳал саҳифаларидир. Улар кўнгил бисотимнинг ўчмас ва ўғирланмас хазинасидир.

Пари момо, сиз ростдан ҳам пари эдингизми? Биз, болалар сизникига боришни ёки сизнинг уйимизга кириб келишингизни шунчалар орзиқиб кутар эдикки... Ана, муюлишда сиз кўриндингиз. Бизлар чувиллашиб сиз томонга чопамиз:

— Ура, Пари момо...

Ўйлаб кўрсам, биз сизнинг нурли юзингиз билан бирга қизиқ-қизиқ эртакларингизни соғинар эканмиз. Дастурхонимиз турли ноз-неъматлар, ширинликларга тўла бўлса-да, чўнтагингизда юраверіб сарғайиб кетган қурутларни, қоғози арчилиб кетган попук қандларни соғинар эканмиз. Уларнинг мазаси ўзгача эди. Улардан сизнинг меҳрингизнинг бўйи таралиб турарди, Пари момо...

Момоларим... Ойбувиш момо, сизни ҳам Пари момомни яхши кўргандек соғинардик. Сиз билан бир кўчада турардик. Ҳовлингизда невараларингиз билан хўп ўйнардик. Кун кеч бўлганда, болаларини йўқлаган оналар, уларни, албатта, сизникидан топарди. Қалдирғочлар ҳар баҳор сизнинг уйингиз шифтига биринчи бўлиб ин қурарди. Улар кечиккудек бўлса, хавотирланардингиз. Ахир, қалдирғочлар энг файзли хонадонга, кўнгли пок инсонларникига ин қурар эмишда...

Сиз ана шундай кўнгли пок эдингиз. Юзингиздаги ажинлар гўёки нурдек эди. Биз болалалар “Қўлингиз ажинларини девор қилинг”, дея ҳоли жонингизга қўймасдик. Сиз қадоқ, серажин қўлингиз устини чимчилаб, девор ясардингиз. “Бу Искандар девори” дердингиз. Биз ҳам қўлимиз устида “девор” ясашга уринардик, лекин беҳуда бўларди. Ҳа, болалик салтанати саройининг маликалари эдик. Йиллар эса тез ўтди. Давр қатида болалик билан бирга сиз ҳам ўтдингиз. Гўё, бебошликларимизни сизлар олиб кетгандек, моможонлар...

Болалик ҳамиша беғубор ва бетакрор. Тупроқ кечиб улғайган муқаддас кўчаларимдан оҳиста одимлар эканман, болаларга кўзим тушиб, ҳавас-ла боқаман. Аммо уларни-да эркалаб, етти маҳалла ёшларига баробар бағир очадиган пари момолари камайиб бормаяптимикан, дея ўйлаб ҳам қоламан...

**Гулшан ШЕРМАТОВА,**
**журналист**

**MUASSIS:** O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

**Bosh muharrir v.b.**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay’ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To‘lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug‘bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O‘rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o‘rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO‘LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e’lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-94) 418-67-49
**Navoiy** — (+998-94) 228-13-00
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-93) 352-50-87
**Sirdaryo** — (+99890) 999-58-30
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg‘ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** T.Shernayev
**Navbatchi:** S.Abdurahmonov
**Musahhih:** N.Choriyev
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:10**
Topshirildi — **21:30**
2 3 4 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 515. 19209 nusxada bosildi. Nashr ko‘rsatkichi: 133